

ЯНГИ ПЕШОБ ХАЙДОВЧИ ЙИҒМАНИНГ ПЕРИФЕРИК ҚОН КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

С.З. Миртурсунова, Э.С. Багдасарова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: институтимиз ТДТТ кафедра ходимлари томонидан бешта ўсимликлардан ташкил топган ўсимлик йиғмаси периферик қон таркибига таъсирини ўрганиш учун тавсия этилди. Адабиётлар билан танишиш ўрганилаётган йиғма таркибига кирувчи ўсимликларни халқ табобатида яллиғланишга ва меъда яраларига қарши бардамлаштирувчи ва кам қонликка қарши таъсирга эга восита сифатида ишлатиб келингани аниқланди.

Амалий қисм: юқоридагиларни инобатга олиб биз ўрганилаётган йиғмани периферик қон кўрсаткичларига таъсирини ўрганиб чиқдик.

Усуллар: тажрибалар 18 та массаси 140 – 156 гр ли турли жинсдаги лаборатория хайвонларида олиб борилди. Бунда асосий этибор периферик қон таркибидаги гемоглабин, эритроцит ва лейкоцитларни миқдорида қаратилди. Периферик қон анализларини ўтказиш учун қон тажрибадаги каламушларнинг думидан тажриба бошлангунча ва тажриба бошидан сўнг олинди. Янги ўрганилаётган ўсимлик йиғиндисининг дамламаси хайвонларга юборилгандан кейинги тажрибанинг 7 – чи ва 15 – кунлари олинди.

Тажрибада ўрганилаётган ўсимлик йиғмаларининг дамламаси 1:10 нисбатда ХІДФ талаблари асосида тайёрланди ва хайвонларга оғиз орқали 2,5 мл/м ва 5 мл/м хисобига юборилди. контрол гуруҳидаги каламушларга эса мос равишда дистилланган сув 5 мл/м хисобига юборилди. тажриба гуруҳида олинган натижалар контрол гуруҳда олинган натижалар билан қиёсий равишда солиштириб чиқилди ва олинган натижалар асосида ўрганилаётган дамламани периферик қон кўрсаткичларига нисбатан таъсири ҳақида фикр қилинди.

Натижалар: олиб борилган тажрибадан олинган натижаларга қараганда ўрганилаётган дахлама 2,5 мл/м хисобига юборилганда қоннинг периферик кўрсаткичларига тажрибанинг 7 – чи кунда деярли таъсир этмаган. Лекин тажрибанинг 15 – чи кунда дахлама периферик қон кўрсаткичларига сезиларли даражада ижобий таъсир этган ва гемоглабин миқдорини 0,86 гр% га оширган.

Ўрганилаётган дахлама 5 мл/м хисобига юборилганда қоннинг пнриферик таркибига таъсири янада яхшироқ юзага чиққан. Хусусан тажрибанинг 15 – кунда ўрганилаётган дахлама 5 мл/м хисобига юборилганда гемоглабин ва эритроцит миқдорини мос равишда 1,1 гр% га ва 0,95 мл гача оширган.

Ўрганилаётган дахлама периферик қон таркибидаги лейкоцитлар миқдорида бирор бир салбий таъсир кўрсатмаган.

Юқорида келтирилган натижаларга асосланиб, ўрганилаётган ўсимлик йиғмасининг дамламаси периферик қон элементларига ижобий таъсир этади дейиш мумкин. Лекин бу таъсир математик аниқлик даражасида бўлмади.

Хулосалар: ўрганилаётган ўсимликлар йиғмасининг дамламаси периферик қон таркибига маълум даражада ижобий таъсир этади.